

МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ: ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА ТУШУНАРЛИЛИК ПРИНЦИПЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Бурхонова Шахноза

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби тингловчиси

***Аннотация:** ушбу мақолада ҳуқуқий тизимда ҳуқуқ принципларининг ўрни ва аҳамияти, хусусан маъмурий тартиб-таомиллардаги асосий принциплар, жумладан, очиқлик, шаффофлик ва тушунарлилик принциплари таҳлил қилинади. Маъмурий фаолиятда ушбу принципларнинг тўғри ва самарали қўлланилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, суд амалиётидаги турли ёндашувлар ушбу принципларнинг барқарор ва ягона қўлланилиши зарурлигини кўрсатади. Мақолада хорижий тажриба ва илмий қарашлар мисолида очиқлик принципининг мураккаблиги ва универсал қонунчиликка татбиқ этишидаги қийинчиликлар ҳам ёритилган.*

***Калит сўзлар:** маъмурий тартиб-таомиллар, принцип, очиқлик, шаффофлик.*

ЗНАЧЕНИЕ ПРАВОВЫХ ПРИНЦИПОВ В АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУРАХ: АНАЛИЗ ПРИНЦИПОВ ОТКРЫТОСТИ, ПРОЗРАЧНОСТИ И КОМПЛЕКСНОСТИ

Бурхонова Шахноза

Слушатель Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики
Узбекистан

***Аннотация:** в статье анализируются роль и значение правовых принципов в правовой системе, в частности, основные принципы в*

административных процедурах, в том числе принципы открытости, прозрачности и понятности. Правильное и эффективное применение этих принципов в административной деятельности служит обеспечению прав и интересов физических и юридических лиц. В то же время различные подходы в судебной практике указывают на необходимость последовательного и единообразного применения этих принципов. В статье также подчеркивается сложность принципа открытости и трудности его применения к универсальному законодательству на примере зарубежного опыта и научных взглядов.

Ключевые слова: административные процедуры, принципы, открытость, прозрачность.

THE IMPORTANCE OF LEGAL PRINCIPLES IN ADMINISTRATIVE PROCEDURES: ANALYSIS OF THE PRINCIPLES OF OPENNESS, TRANSPARENCY AND UNDERSTANDABILITY

Burkhonova Shakhnoza

Student of the Higher School of Judges under the Supreme Judicial Council of the
Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article analyzes the role and importance of legal principles in the legal system, in particular the main principles in administrative procedures, including the principles of openness, transparency and understandability. The correct and effective application of these principles in administrative activities serves to ensure the rights and interests of individuals and legal entities. At the same time, various approaches in judicial practice indicate the need for a consistent and uniform application of these principles. The article also highlights*

the complexity of the principle of openness and the difficulties in implementing it in universal legislation, using foreign experience and scientific views as an example.

Keywords: administrative procedures, principles, openness, transparency.

Хуқуқни тўғри тушуниш ва қўллашда ҳуқуқ принциплари муҳим аҳамият касб этади. Чунки бирор бир мамлакатда мавжуд ҳуқуқий тизимнинг моҳияти ҳуқуқий принциплар орқали намоён бўлади. Принцип масаласи давлат ва ҳуқуқ назариясида олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, ҳуқуқ принциплари ва уларнинг мавжуд бўлиш асослари борасида кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари мавжуд. Жумладан, Х.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича, “Принцип категорияси “қонуният”, “моҳият” категориялари билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, ҳуқуқий тизимнинг моҳияти унинг асосий принциплари мазмунида намоён бўлади. Ҳуқуқий тизим принциплари ҳуқуқнинг бутун ички тузилишини, мазмунини камраб олади ҳамда бошқа ижтимоий тизимлар билан алоқаси ва ўзаро муносабатларига ижобий таъсир кўрсатади.¹

Таъкидлаш жоизки, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишда принциплар масаласи жуда муҳим ҳисобланади. Чунки маъмурий тартиб-таомилларнинг мақсади маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан бўладиган муносабатларда қонунийликни таъминлаш, уларни маъмурий орган мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда бир қатор муҳим принциплардан фойдаланилади.

¹ Х.Т. Одилқориев. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Тошкент, 2020.
SJIF:5.219

Таъкидлаш жоизки, маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда энг муҳим қоидаларни белгилайди. Агарда иш юритиш жараёнида ушбу принципларга риоя қилинмаса, қатор ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Қонуннинг 19-моддасига кўра маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак.

Маъмурий тартиб-таомиллар принципларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади.

Шу сабабли, маъмурий орган ва унинг мансабдор шахси ўз фаолиятида ушбу принциплар мазмунини англаши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, судлар томонидан ҳам ушбу принциплар жуда кенг қўлланилади. Чунки маъмурий орган мансабдор шахсининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек унинг мансабдор шахси хатти-ҳаракатларини, ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза маъмурий судга берилганда судья қарор қабул қилишда иш юритиш жараёнида принципларга риоя қилинганлик ҳолатига эътибор қаратади. Агарда мазкур принциплардан бирортасига риоя қилинмаган бўлса, шикоят қилинаётган қарорни ҳақиқий эмас ёки ҳаракат ва ҳаракатсизликни қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Илмий адабиётларда маъмурий процедураларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кўплаб фикрлар келтирилади. Лекин маъмурий процедураларнинг принциплари ҳамма давлатларда ҳам мавжуд эмас. Мисол учун, АҚШ ва Германиянинг маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилигида

принциплар алоҳида келтирилмаган. Чунки ушбу принциплар Конституция ва суд амалиётида мавжуд.

Қайд этиш жоизки, нафақат маъмурий процедуралар принциплари, балки маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонуннинг кўпгина бошқа нормалари ҳам янги ҳисобланади. Шу сабабли, бу борада тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. МТТТҚда бир қатор илгари мавжуд бўлмаган нормалар киритилди. Хусусан, мутаносиблик, ишончлилик, тингланиш имкониятининг мавжудлиги, бюрократик расмийчиликка йўл қўйилмаслиги, мазмунан қамраб олиш, ишончнинг ҳимоя қилиниши, маъмурий ихтиёрийликнинг қонунийлиги, текшириш принциплари шулар жумласидан ҳисобланади.

Суд амалиёти таҳлили айрим ҳолларда маъмурий тартиб-таомиллар принциплари турли талқин қилинишини кўрсатади. Бу эса судлар томонидан низоларни кўришда ягона ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатади. Суд амалиёти таҳлилинин кейинги параграфда батафсил таҳлил қилиш режалаштирилганлиги сабабли, қуйида маъмурий тартиб-таомилларнинг энг асосий принциплари таҳлилинин амалга оширамиз.

МТТТҚга кўра маъмурий тартиб-таомиллар **очик, шаффоф** ва манфаатдор шахслар учун **тушунарли** бўлиши лозим. Маъмурий органлар маъмурий тартиб-таомиллар ҳақидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган усуллар орқали эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт. Мазкур принцип маъмурий иш юритишдаги муҳим принциплардан бири ҳисобланади. Унинг мазмунига кўра давлат органи маъмурий иш юритиш

учун барча маълумотларни ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш ва улардан эркин фойдаланишни таъминлаши лозим ҳисобланади.

Италиялик олим Дж.Кокоццанинг қайд этишича, қонунчиликда шаффофлик тушунчасини аниқлашда унинг барча жиҳатларини очиб бериш имконсиз. Унинг фикрича, шаффофликни аниқлаш бўйича саволлар туғдирадиган ушбу принципни қўллашда турли хил ёндашувлар мавжуд. Илмий тадқиқотлар шаффофликни умумий принцип ёки ижобий ҳуқуқ нормалари тизими сифатида кўриб чиқиш имкониятига шубҳа туғдирди. Унинг бошқарув процедураларига ёки бутун бошқарув тизимига таъсир қилиш қобилятига алоҳида эътибор қаратилади, шаффофлик, қулайлик ва ошкоралик ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ҳам шубҳалар сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, Дж.Кокоцца шаффофлик принципи давлатдаги сиёсий вазият билан боғлиқ бўлишини ҳамда ҳар бир тарихий даврда турлича талқин қилиш мумкинлигини таъкидлайди.²

Ж.Нематов мазкур принцип ҳақида тўхталиб, маъмурий процедуралар очик, шаффоф ва тушунарли бўлиши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.³ Унинг фикрича, маъмурий органлар томонидан барча намунавий ҳужжатлар, қонун ҳужжатлари манфаатдор шахслар учун маълум бўлиши, тушунарли бўлиши лозим. Назаримизда, ушбу фикр жуда тор ҳисобланади ҳамда ушбу принципнинг мазмунини тўлиқ очиб бермайди.

Мазкур принцип ўзида бир катор муҳим жиҳатларни намоён қилади. Хусусан, маъмурий иш юритиш очик бўлиши ва ишда иштирок этувчи барча

² Дж. Кокоцца. Прозрачность и управление: правовые и политические аспекты. — Милан, 2017.

³ Ж.Нематов. Маъмурий ҳуқуқ ва жараён. — Тошкент, 2021.

шахслар турли тўсиқларсиз маълумот олиши, иш юритишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шунингдек, маъмурий орган манфаатдор шахсларга содда ва тушунарли бўлишини таъминлаши лозим.

Таъкидлаш керакки, шаффофлик принципи Европа давлатларида давлат бошқарувининг энг муҳим масалаларини қамраб олади. Дж.Кокоцанинг фикрича, шаффофлик принципи каби умумий тизимли тамойилга мос келадиган қонунчиликни ишлаб чиқиш осон эмас, унинг потенциал кенглиги таърифи бўйича маъмурий ҳаракатларнинг демократик очиклиги билан тўғридан-тўғри пропорционал.

Ушбу тамойилни қўллаш бошқа манфаатлар ва позициялар билан мувозанатлаштирилмаслиги мумкин, бу ҳам кафолатлар билан таъминланиши керак. Давлат тузилмалари ва шахслар учун кафолатлар ҳақида бормокда ва уларнинг мувофиқлашувида етук ҳуқуқий тизимни шакллантириш жараёни яққол намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Х.Т. Одилқориев. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Тошкент, 2020.
2. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун, 2023 йил.
3. Дж. Кокоцца. Прозрачность и управление: правовые и политические аспекты. — Милан, 2017.
4. Ж.Нематов. Маъмурий ҳуқуқ ва жараён. — Тошкент, 2021.